XALQ DEPUTATLARI G’ALLAOROL TUMANI KENGASHI
QARORI

2023 - yil 15 - dekabr VI-61-161-3-45-K/23 G‘allaorol tumani hokimligi

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Аёллар дафтари”га киритилган аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармасига маблағ ўтказиш тўғрисида

Халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан 2023 йил давомида йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан тасдиқланган қарорларга асосан ажратилган маблағларнинг ишлатилмаган қисмини мақбуллаштириш ҳамда ушбу маблағларни туман маҳаллий бюджетининг бошқа зарур тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларга йўналтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5, 6 - моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

қ а р о р қ и л а д и:

1. Халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан 2023 йил давомида йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан тасдиқланган қарорлар, жумладан 2023 йил 4 февралдаги VI-51-12-3-45-K/23-сонли қарорга асосан 5.0 млн. сўм, 2023 йил 9 февралдаги VI-51-20-3-45-K/23-сонли қарорга асосан 4.750 млн. сўм, жами 9.750 млн. сўм маблағлар мақбуллаштирилиб, туман маҳаллий бюджетига қайтарилиши маълумот ва ижро учун кабул килинсин.

2. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими (М.Турдимуродов)га туман маҳаллий бюджетининг йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан мақбуллаштирилган 9 750,0 (тўққиз миллион етти юз эллик) минг сўм маблағни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5020-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимлигига маблағ ажратиш ва бюджетга тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

3. Туман ҳокимлиги (Х.Жўраевга)га туман маҳаллий бюджетидан ажратилган маблағни “Аёллар дафтари”га киритилган аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб бериш вазифаси топширилсин.

4. Туман ғазначилик хизмати бўлинмаси (Б.Саттаров)га маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағларни тегишли ҳисоб рақамга ўз вақтида молиялаштиришни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг

маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Қўчқоров зиммаларига юклатилсин.

Kengash raisi **Ж.Оқбоев**